

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Шаназарова Гулёрахон Бахтияровна,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
E-mail: gulyorakhon@yandex.ru

Аннотация: Ушбу мақолада саноат корхоналари инновацион салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг таркибий қисмлари, инновацион салоҳиятни шакллантириши ва ривожлантиришининг асосий омиллари каби айрим масалалар қараб чиқилади. Бундан ташқари, мақолада инновацион салоҳиятнинг турли ёндашувлари чуқур таҳлил қилиниб муаллиф вариантидаги ишлаб чиқилган таърифи келтирилади.

Аннотация: В данной статье рассматриваются некоторые вопросы социально-экономической сущности, основные составляющие компоненты, факторы формирования и развития инновационного потенциала промышленных предприятий. Кроме того, на основе всестороннего анализа имеющихся подходов определения инновационного потенциала приведено разработанный авторский вариант трактовки термина.

Abstract: In this article, we consider some issues of the socio-economic nature, the main components, the factors of formation and development of the innovative potential of industrial enterprises. In addition, based on a comprehensive analysis of existing approaches to determine the innovative potential, the author's variant of the interpretation of the term is presented.

Калим сўзлар: инновация, салоҳият, инновацион салоҳият, илмий-техник салоҳият, иқтисодий салоҳият, интеллектуал салоҳият, инновацион ресурс, инновацион фаолият, инновацион жараён.

Кириш

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислохотларининг ва Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энг – муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади [1]. Жумладан, “..миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат ва қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш [1]” деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев мамлакатда мавжуд иқтисодиёт тармоқлари, хусусан саноат салоҳиятини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ижросидаги камчиликларни танқид қилган ҳолда “..ислохотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли

дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини бўлган ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, [аражатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз оширишдир” деб таъкидлайди [2].

Албатта истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби саноат тармоқлари ҳам жадал ривожлангани ҳолда нефть ва газ, кимё саноати, автомобилсозлик саноати, қурилиш материаллари ва фармацевтика саноати каби янги-янги саноат тармоқлари шакллангани ҳамда ривожлангани ҳолда бугунги кунда жаҳон бозорига “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида минглаб саноат товарлари таклиф қилинмоқда. Бугунги кунда мамлакат ЯИМда саноатнинг улуши 25,0 фоиздан ортиқроқни, асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажмида қарийб 38 фоизни, иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сониди 14,0 фоизни ташкил этгани ҳолда 2007-2016 йилларнинг ўзида саноат тармоғи йилига ўртача 8,5 фоиздан кўпроқ ўсиб келмоқда [3].

Албатта, юқоридаги ислохотларнинг барчасининг замирида давлат ва нодавлат сектор корхоналарининг барқарор суръатларда инновацион салоҳиятини рўёбга чиқариб келаётганлиги ётади. Шу сабабли, бугунги глобаллашув ва миллий иқтисодиётни либераллаштириш шароитида миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инновацион салоҳият, уни шаклланиши ва ривожланишини баҳолаш, бошқаришнинг назарий-услубий масалаларини комплекс тадқиқ қилиш, саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва бошқариш омиллари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, республикада саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, инновацион салоҳиятни баҳолаш усуллари қиёсий ўрганиш ва саноат корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш механизмларининг замонавий ҳолати ва тенденцияларини аниқлаш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабли биз ушбу мақоламизда инновацион салоҳиятнинг айрим назарий жиҳатларини кўриб ўтамиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Саноат корхоналари инновацион салоҳиятининг назарий ва услубий жиҳатлари, инновацион салоҳиятни баҳолаш ва бошқариш механизмлари муаммолари кўплаб иқтисодчи ва сиёсатчи олимларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан М.Догдсон, Г.Гросси, Ж.Генри, Д.Уолкер, Ф.Вестлей, Х.Минзберг, Б.Такер, Й.Шумпетер ва бошқаларнинг асарларида замонавий инновацион менежмент назарияси масалалари кенг ёритилади [4,5,6,7,8,9].

МДҲлик олимлардан А.Абалкин, А.Анчишкин, И.Афонин, Е. Балацкий, В.Баранчеев, В.Абрамов, А.Бовин, Г.Гамидов, П.Завлин, С.Ильенкова, Н.Кочетков, Е.Лаптева, А.Мазин, В.Медынский, А.Трифилова, В.Баранчеева, В.Гунина, Г.Жица, Д.Кокурина, О.Коробейникова, В.Мосейко, Р.Фатхутдинова, И.Шляхто ва бошқа олимларнинг ишларида инновацион менежмент инновацион салоҳиятнинг назарий ва амалий таҳлили масалалари қараб чиқилади [10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31].

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, бевосита саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан Н.Юлдашев, А.Бекмурадов, М.Икрамов, Ш.Зайнутдинов, М.Маҳкамова, Р.Нуримбетов, Ш.Мирсаидова, Й.Голдманларнинг асарларида кенг ёритилади [32, 33, 34].

Шунингдек, бир гуруҳ республикамиз тадқиқотчиларидан Ш.Мустафақулов [35] худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили, Х.Мухитдинов [36] инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишга институционал ёндашув, У.Ғофуров [37] инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш, И.Умаров, С.Саидқаримова, Ш.Облоқуловлар [38] саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили, А.Қаҳҳоров [39] эса автомобиль транспорт корхоналарининг инновацион салоҳияти ва уни баҳолаш, Б.Рўзиев [40] олий таълим тизимида инновацион салоҳиятни ривожлантириш масалаларининг айрим назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилишган.

Бироқ, юқорида санаб ўтилган муаллифларнинг илмий ишларида инновацион салоҳият даражасини баҳолаш ва бошқаришнинг назарий ҳолатлари келтирилган, лекин ушбу ҳолатни етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги назарияни амалиётда қўллашга тўсқинлик қилади. Шунингдек, инновациялар назариясининг кўп соҳаларида олиб борилган тадқиқотларга қарамадан, инновацион салоҳият ва уни баҳолаш усуллари, инновацион салоҳиятни белгилаб берувчи омилларни тадқиқ қилишга, корхонанинг инновацион салоҳиятини бошқариш механизмлари самарадорлигини баҳоловчи мезонлар таҳлилига етарлича эътибор қаратилмаган. Бу эса мазкур мақоламиз мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), European Commission (Люксембург), Swedish International Development Cooperation Agency (Швеция), World Bank, National Science Foundation (NSF, АҚШ), Harvard Business School, Cambridge University, Oxford University, McKinsey & Company (АҚШ), Cass Business School is one of City, City University, London (Буюк Британия), University of Valencia (Испания), Amsterdam University (Голландия), the Serbian Academy of Sciences and Arts (Сербия) ва **Тошкент давлат иқтисодиёт университети** (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда [41, 42, 43, 44, 45, 46].

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-манتيқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий иқтисодий назарияларнинг деярли барчасида инновациялар ривожланишнинг манбаи сифатида тан олинган. Инновацион салоҳият нафақат алоҳида иқтисодий субъектнинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбаи ҳисобланади.

"Инновацион салоҳият" тушунчаси ХХ асрнинг 70 йиллари охиридан бошлаб фанга фаол кириб кела бошлади. У қатор олимларнинг услубий, назарий тадқиқотларида аниқлаштирилган ва ишлаб чиқилган. Бироқ, шу кунгача ҳам мазкур тушунчанинг дунёда умумқабул қилинган ягона таърифи ишлаб чиқилган эмас. Ҳар бир олим ёки мутахассис ўз давлатининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда инновацион салоҳиятни ўзига хос талқин этади.

"Салоҳият" тушунчасининг турли хил талқинларини кўриб чиққан ҳолда, инновацион салоҳият таърифига тўхталамиз. "Салоҳият" тушунчаси латинча "potentia" сўздан келиб чиққан бўлиб, "имконият, куч, кудрат" деган маъноларни билдиради. Катта иқтисодий луғатда "салоҳият" тушунчаси "мавжуд воситалар мажмуи", "ҳар қандай соҳадаги имкониятлар" мавжуд манбалар, восита, заҳира," сифатида таърифланади [47, с.428].

"Салоҳият" тушунчасининг юқорида келтирилган талқинларнинг умумий жиҳати сифатида муайян мақсадларга эришишда талаб қилинадиган, зарур бўлган баъзи воситалар мажмуининг, ниманидир амалга оширилишида қандайдир имкониятларнинг мавжудлигидан ташкил топган.

Корхонанинг иқтисодий ҳаётий цикли инновацион салоҳиятни баҳолашда ва унинг рақобатбардошлигини аниқлашда муҳим таркибий қисм сифатида қаралади ва мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланилганлик натижаси, уни янада ривожлантириш асоси ҳисобланади.

Илмий адабиётларда "иқтисодий салоҳият" тушунчасининг бир қанча талқинлари мавжуд. Шунингдек, муаллифлар иқтисодий салоҳиятнинг "инновацион салоҳият" каби категория билан ўзаро алоқаларига турлича қарашади. Масалан, **биринчи ёндашувда** иқтисодий салоҳиятни миллий иқтисодиёт тармоқларининг барча имкониятлари сифатидаги талқини. Л.И.Лопатникова, Л.П. Куракова, В.Н. Мосина ва Д.М. Крук иқтисодий салоҳиятни - "ҳалқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, капитал қурилишни амалга оширувчи, юк ташиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча имкониятлар" сифатида талқин этилади [47, 48, 49, 50, 51].

Иккинчи ёндашувда Б.Плыщевский, А.В, Тодосейчук, Ю.Лычкин ва А. Цыгичко каби МДХ олимлари иқтисодий салоҳиятнинг амалда мавжуд бўлган барча меҳнат, инвестицион, молиявий ресурслар сифатида талқин этишади [53,54,55,56,57] ҳамда "салоҳият" тушунчасини мазмуни жиҳатдан "ресурслар", "инвестиция", "инвестицион ресурслар", "иш билан бандлар сони" каби тушунчалар билан ўрнини алмаштиришади.

Фикримизча, "ресурслар" ва "салоҳият" тушунчалари принципиал жиҳатдан бир қатор фарқларга эга. Жумладан, ресурслар тизимнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти субъектларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд тизимнинг салоҳияти бўлса ижтимоий-иқтисодий фаолият субъектларидан ажралмасдир. Шунингдек, "салоҳият" категорияси моддий ва номоддий ресурслардан ташқари, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг мавжуд ресурслар ёки воситалардан фойдаланган ҳолда юқори унумдорликка эришиш имкониятларидан, қобилият ва тайёргарликдан ташкил топади.

Учинчи ёндашув "иқтисодий салоҳият" тушунчаси "иқтисодий куч" ва "ҳалқ хўжалиги салоҳияти" тушунчалари билан бир хил, синоним деб қаралади [57]. Бошқа бир муаллиф эса бунга қарама-қарши фикр билдириб "ҳалқ

хўжалиги” тушунчаси ўз навбатида “иқтисодиёт” тушунчасидан кенгроқ маъно касб этганлиги туфайли “халқ хўжалиги салоҳияти” категорияси “иқтисодий салоҳият” категориясига қараганда кенгроқ эканлигини таъкидлаб ўтган [58,с.22].

Тўртинчи ёндашувда эса иқтисодий салоҳият хўжалик фаолияти субъектларининг ўзаро саноат ва иқтисодий муносабатларининг натижаси сифатида талқин қилинади. Л.С.Сосненконинг фикрича, иқтисодий салоҳиятга ижтимоий ва саноат тизимининг товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда уларнинг имкониятларидан тўлалигича фойдаланишига, саноат ва бошқарув алоқалари билан боғлиқ ҳолда қараш керак [59].

Амалдаги салоҳиятни асосан, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ташкилий даражасида эришилган ва ишлаб чиқариш аппаратининг салоҳият имкониятларидан максимал фойдаланиш даражасида яратилган асосий фондлар мажмуи ва соҳаларнинг ялпи маҳсулоти қиймати ёки давлатнинг умумий ЯИМ тавсифлайди. Истикболдаги иқтисодий салоҳият эса ресурслардан оптимал фойдаланилиб, идеал ишлаб чиқариш шароитларида эришиладиган товар ва хизматларнинг мумкин бўлган энг юқори ҳажмда ишлаб чиқарилишини олдиндан белгилайдиган хўжалик тизимининг максимал имкониятлари орқали белгиланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, инновацион салоҳият иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим қисмларидан бири саналади ва илмий адабиётларда инновацион салоҳият тушунчаси кенг тарқалган илмий-техник салоҳият тушунчаси билан ҳам бир қаторда қўлланилади.

Кенг маънода илмий-техник салоҳиятни, ушбу тизимнинг ривожланиш даражасини, ресурсларнинг сифат ва сонига боғлиқ ҳолда тавсифлайдиган, ушбу имкониятлардан амалиётда фойдаланилишга мўлжалланган ғоя ва ишланмалар жамғармасининг мавжудлиги, иқтисодий тизимининг илмий-техник имкониятлари мажмуи сифатида белгиланади. Инновацияларни амалда жорий этиш жараёнида илмий-техник салоҳиятнинг қўлланилиши содир бўлади.

Шундай қилиб, илмий-техник салоҳиятнинг бир томондан давлатнинг ФТТ ютуқларидан объектив фойдаланиш реал имкониятлари, бошқа томондан эса - унда бевосита иштирок этиши орқали тавсифланади. Демак, илмий салоҳият тушунчаси, илмий-техник салоҳият тушунчаси билан узвий боғлиқ.

Илмий салоҳият - бу илмий-фундаментал ва фундаментал тадқиқотларга амалга оширишга йўналтирилган ресурслар ва шароитлар мажмуи.


Илмий-техник салоҳият - бу ўзида тажриба конструкторлик ва техник ишларни қамраб олувчи амалий тадқиқот ишларини амалга ошириш шароитлари ва ресурслари (авалло илмий ва техник) мажмуи.

Шундай қилиб, илмий, илмий-техник ва инновацион салоҳиятлар ягона инновацион циклнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдирувчи таркибий қисмлари ҳисобланади: *ғоя пайдо бўлиши - фундаментал тадқиқотлар - амалий тадқиқотлар - тажрибали конструктор ва техник ишланмалар - тажриба намунаси - саноат синовлари - ишлаб чиқаришда ўзлаштириш - серияли ишлаб чиқариш - тижоратлаштириш - маҳсулотни амалда қўллаш (машина, асбоб-ускуна, технологиялар).*

Ҳар қандай тизимнинг инновация фаолияти унинг рентабеллигини, ривожланишини юқори суръатларда амалга ошишини ва рақобатбардошлигини таъминловчи асосий йўлларида бири ҳисобланади.

Алоҳида субъектларнинг инновацион фаолияти инновация ҳаётӣ циклини бешта кенгайтирилган босқичларини ўз ичига олади: 1) *илмий тадқиқот ишлари*; 2) *тажриба конструкторлик ишлари*; 3) *инновацияларни ишлаб чиқариш*; 4) *инновацияларни эксплуатация қилиш*; 5) *инновацияларни рутинизация қилиш*.

Таъкидлаш жоизки, инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар инновация ҳаётӣ цикли бўйича турли хил вазифаларни бажарадилар (1-расмга қаранг).



1-расм. Инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларнинг инновация ҳаётӣ цикли бўйича вазифалари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Инновацион жараённинг ўзи ҳам 5 та босқичдан ташкил топади: инвенция, новация, инновация, диффузия, рутинизация [60].

Энг кенг тарқалган вариантда тадқиқот ва техник босқич вазифалари илмий тадқиқотларни амалга оширишга мўлжалланган ташкилотлар томонидан амалга оширилса, ишлаб чиқариш ташкилотлари инновацияларни ишлаб чиқаришга жориш этиш вазифаларини бажаради.

Ташкилотнинг тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини амалга ошириш имкониятларини, уларнинг кўлами ва қамровини аниқловчи омил сифатида ташкилотнинг инсон капитали (интеллектуал, таълим савияси ва кадрлар малакаси) майдонга чиқади, иш ўринларининг техник жиҳозланганлиги, ишлаб чиқариш фондлари ва экспериментал база ҳолати, инновацион жараёнларни молиялаштириш - булар барчаси ташкилотнинг ресурслари ҳисобланади.

Шундай қилиб, бир қатор илмий ишларда турли олимлар томонидан инновацион салоҳият тушунчаси корхона, соҳа, минтақа ва давлат томонидан инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг умумлашган хусусиятларини қайд этиш мақсадида қўлланилади (1-жадвал).

1-жадвал

Турли олимлар томонидан “инновацион салоҳият” тушунчасининг айрим талқинлари варианты

Муаллифлар	Таъриф
Абрамешин А.Е., Воронина Т.П., Молчанова О.П., Тихонова Е.А., Шленов Ю.В.	Инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа ресурсларнинг йиғиндиси
Ковалев Г.Д.	Ишлаб чиқаришда янгиликларни яратишга йўналтирилган янги ва такомиллашган маҳсулотларни олиш технологияларини жорий қилишга зарур бўлган ўз ичига интеллектуал, моддий ва молиявий ресурсларни қамраб олган инновацион ресурслар мажмуи
Царев В.В., Кантарович А.А., Черныш В.В.	Корхона олдида турган илмий-техник ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга мўлжалланган кадрлар, моддий-техник ва ахборот ресурсларининг йиғиндисидир
Мазин А.	Корхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш имкониятларини ифодаловчи кўрсаткич
Лисин Б.К., Фридлянов В.Н.	Инновацияларни жорий қилиш ва янгиликларни киритишни таъминлаш бўйича илмий-техник, технологик, инфратузилмавий, молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ва бошқа имкониятларидир
Гунин В.Н., Баранчеев В.П., Фатхутдинов Р.А., Горфинкель В.Я., Чернышев Б.Н., Поршнева А.Г.	Корхонанинг инновацион мақсадларига эришиш учун инновацион лойиҳа ёки инновацион ўзгаришлар дастурини амалга ошириш бўйича тайёргарлиги ўлчови
Бовин А.А., Чередникова Л.Е., Якимович В.Я.	Корхонанинг ҳам ўзининг (ИТТКИ бўлимларида ўз кучи билан яратилган) ҳам бировнинг (патент, лицензия, ноухау кўринишида сотиб олинган) лойиҳасини амалга оширишга тайёргарлик даражаси
Жиц Г.И.	Нафақат янгиликларни яратиш, балки уларни самарали қўллаш бўйича ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тайёргарлик даражаси

Шляхто И.В.	Нафақат янгиликларни яратиш имконияти, балки уларни изчиллик билан жаҳон андозалари даражасида самарали қўллашга тайёрлик имконияти
Базилевич А.И.	Ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, молиявий ва бошқа фаолият соҳаларида инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш қобилияти
Кочетков С.В.	Амалда мавжуд ресурслар доирасида қўйилган инновацион мақсадларга эришиш қобилияти
Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д.	Инновацион салоҳият – ўз ичига инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий ақлий, ахборот, илмий-техник ресурсларни олувчи турли хилдаги мажмуадир
Ш.Н.Зайнутдинов.	Инновацион салоҳият мамлакатнинг техника ва технологияси янгиланиши, унда илмий-техника ривожланиши даражасини, диверсификация сиёсатининг кучайишини англатади.
Нуримбетов Р.И.	Инновацион салоҳият тушунчаси кенг маънони англатиб, мамлакатда фан, иқтисодиёт, технология, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиликларни ифодалайди
И.Ю. Умаров, С.С.Саидкаримова, Ш.Б.Облоқулова	Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни белгилувчи кўрсаткичларда, энг аввало, унинг инновация ривожланиш индикаторлари асосий ҳисобланади. Инновация ривожланиш индикаторлари иқтисодий, илмий ҳамда фаол инновацион фаолият соҳаларига бўлинган ҳолда ўрганилади.
А.Ж. Қаххоров.	Корхонанинг инновацион салоҳияти—бу корхонанинг инновацион ғоялардан янгиликлар яратиши ва ўша янгиликларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятини ифодаловчи хусусиятлар мажмуи ҳисобланади
Рузиев Б.С.	инновацион салоҳият - барча бозор муносабатлари иштирокчиларидан янги ғоя ва лойиҳаларни излаб топиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш, турли илмий-техника масалаларини ўз вақтида ечиш бўйича ресурслар
Муаллиф таъриф вариантидаги	Корхона ёки ташкилотнинг ёхуд умуман олганда қайси тармоқ, соҳада фаолият кўрсатишидан, мулкчилик шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий мақоми, ўлчамларидан қатъи назар исталган бир хўжалик юритувчи субъектнинг янги ишланмаларни ишлаб чиқиш, кашфиётлар ёки ихтироларни, фойдали моделларни яратиш, уларни жорий фаолиятида самарали қўллаш бўйича мавжуд барча интеллектуал, молиявий, кадрлар, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслари ҳамда имкониятлари йиғиндисидир

Манба: Муаллиф томонидан тизимлаштирилган ва ишлаб чиқилган

Шундай қилиб, инновацион салоҳият тушунчаси турли ишланмалар ва тадқиқотларни амалга оширувчи ташкилотларнинг сони, фаолияти унумдорлиги, самарадорлиги, интеллектуал мулк объектлари, инновация соҳасидаги мутахассислар, олимлар, кадрлар сони, молиялаштириш ва моддий ишлаб чиқариш базаси, мамлакатда ва шу жумладан хорижда ҳам илмий

ахборотлар, инновация ва инновацион фаолият ахборотлари, илмий мактаблар ва уларнинг миллий, дунё илм-фанида тутган ўрни кабиларни ўз ичига қамраб олувчи инновацион фаолият ресурсидир [61].

Фикримизча, ресурсларнинг тенг жамланмаси турли шароитларда бир хил иқтисодий натижаларга эришишни кафолатламаганлигидан, инновацион салоҳиятни ресурслар мажмуи сифатида қаралиши ушбу тушунчанинг иқтисодий моҳиятини акс эттирмайди. Инновацион салоҳият, тўпланган ресурслардан ташқари, ўзида иқтисодий субъектларнинг мақсадларига эришишида фойдаланиши мумкин бўлган қўлланилмаган, яширин имкониятларни ҳам қамраб олади.

Фикримизча, имконият - бу ниманидир амалга ошириш учун зарур бўлган маблағ, шароит ва шартлардир. Бошқача қилиб айтганда, имконият, бирор нарса учун зарур бўлган маблағнинг мавжудлиги, бирор нарса учун қулай бўлган шароит ва бирор нимагадир йўл қўйиб берувчи ҳолатлардир.

В.П. Баранчеева ва В.Н. Гунинанинг илмий ишларида инновацион салоҳият - корхонанинг инновацион мақсадларига эришиш учун инновацион лойиҳа ёки инновацион ўзгаришлар дастурини амалга ошириш бўйича тайёргарлиги ўлчови деб талқин этилади [24, 25].

Фикримизча, **инновацион салоҳият** - корхона ёки ташкилотнинг ёхуд умуман олганда қайси тармоқ, соҳада фаолият кўрсатишидан, мулкчилик шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий мақоми, ўлчамларидан қатъи назар исталган бир хўжалик юритувчи субъектнинг янги ишланмаларни ишлаб чиқиш, кашфиётлар ёки ихтироларни, фойдали моделларни яратиш, уларни жорий фаолиятида самарали қўллаш бўйича мавжуд барча интеллектуал, молиявий, кадрлар, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслари ҳамда имкониятлари йиғиндисидир.

Қуйидаги 2-жадвалда биз корхона инновацион салоҳиятининг асосий таркибий қисмларини келтириб ўтамиз.

2-жадвал

Корхона инновацион салоҳиятининг таркибий қисмлари

Таркибий қисмлар	Мазмуни
Ходимлар салоҳияти	Ишчилар таркиби, ишчиларнинг малака даражаси, ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими
Молиявий-иқтисодий салоҳият	Молиявий барқарорлик, ликвидлик, фойдалилик, корхона рентабеллиги; корхонанинг бозордаги мавқеи, инновацияларнинг фойдалилиги, асосий капитал, ИТТКИ га инвестициялар, молиялаштириш манбалари
Ишлаб чиқариш-технологик салоҳияти	Ишлаб чиқариш фондларининг ҳолати ва технологик даражаси, ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион ва ахборот технологиялари, илғор ускуналар, материаллар, лаборатория ва офис жиҳозлари
Илмий-техник салоҳият	ИТТКИларни ўтказиш, ИТТКИлар натижаларини тижоратлаштириш даражаси, янги илмталаб ишланмаларни ишлаб чиқиш тажрибаси, интеллектуал мулк объектлари (рўйхатга олинган ва жорий қилиш босқичига олиб борилган)
Ташкилий-бошқарув салоҳияти	Ташкилий тузилма, инновацион инфратузилма, инновацион менежментнинг самарадорлиги, инновацияларни бошқаришнинг маркетинг стратегиялари, инновацияларни молиялаштиришни ташкил қилиш, интеллектуал мулк бўйича қонунчиликнинг даражаси, интеллектуал мулкни бошқариш


Инновацион фаоллик омиллари	Корхонанинг мулк шакли, корхонанинг ўлчамлари, корхонанинг тармоқ мансублиги, корхона ходимларининг инновацион фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти
-----------------------------	---

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Жадвалдан кўринадики, инновацион салоҳият ходимлар, молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник, ташкилий-бошқарув салоҳиятларидан ва инновацион фаоллик омилларидан ташкил топади.

Инновацион фаоллик инновацион тизимнинг асосий элементлари - билим, технологик ускуналар, АКТ ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари, шунингдек барча янгиликларни жорий қилишга тайёрликни тавсифлайди.

Инновацион салоҳиятни ўрганиш бўйича ўтказган тадқиқотларимиз натижалари асосида биз инновацион салоҳиятни аниқлашда қуйидаги асосий ёндашувларни қайд этишимиз мумкин (2-расм):




2-расм. инновацион салоҳиятни аниқлашдаги асосий ёндашувлар

Манба: Муаллиф ишланмаси

Фикримизча, ушбу ёндашувлар ўзаро бир-бирига таъсир кучига эга, инновацион фаолиятга қобилиятга эга бўлиш бир қатор имкониятларни, имкониятларнинг мавжудлиги бўлса, ўз навбатида бу инновацион салоҳиятни амалга оширишга имконият ва зарур бўлган тайёрлик даражасини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Инновацион салоҳиятнинг иқтисодий моҳияти ва қуйидаги тадқиқот мақсадига мувофиқ келадиган таърифи деб қуйидаги таҳрирни келтирамиз: инновацион салоҳият - турли хил самараларга эга бўлиш мақсадида инновацияларни мавжуд ресурс база ёрдамида яратишни ва улардан фойдаланишни таъминлашга корхонанинг қобилияти, имкониятлари ва тайёрлигидир (3 расм).




Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, инновацион салоҳиятнинг тузилишини иккита босқичга ажратиш мумкин (4-расм):

- I босқич, инновацион фаолиятда зарур бўлган, корхонанинг ресурслари мавжудлигини тавсифловчи;

- II босқич, корхонанининг инновацион фаоллик омилларини тавсифловчи (имконият, тайёрлик, қобилият).

Фикримизча, инновацион фаолиятнинг самарадорлиги ва инновацион салоҳиятнинг ҳолатини, у ёки бу таркибий қисмининг мавжудлиги ва сифати аниқлаб беради. Инновацион салоҳият бирон-бир таркибий қисмининг йўқлиги ёки етишмаслиги, уни қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш зарурлигини тақозо этади. Саноат корхонаси инновацион салоҳиятини ривожлантиришни фақатгина уни таркибий қисмларини ривожлантириш орқалигина амалга ошириш мумкин. Шу сабабли, ҳар қандай корхоналар каби саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини ошириш учун 2-жадвалдан келтирилган ҳар бир таркибий қисмларини тизимли равишда такомиллаштирилиб боришини таъминлаш лозим.



Чунки, корхона инновацион салоҳият даражаси муайян динамикада бўлиб, ундаги ўзгаришлар нафақат ўсишга, балки камайишга ҳам олиб келиши мумкин. Демак, инновацион салоҳият динамикаси даражаси, унга турли омилларнинг таъсири натижасида вужудга келади (кадрлар таркибининг ўзгариши, техник таъминотнинг ўзгариши, маблағ жалб этиш ва б.к.).

Демак, саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини тўлиқ ва объектив баҳолаш вазифаси, биринчидан, инновацион салоҳиятни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар таркибини аниқлаш, иккинчидан эса, уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир этиш даражасини ўлчашдан ташкил топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони, 3.2 банди \ \ lex.uz

2. “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси// Uza.uz

3. Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш: ютуқлар, тенденция ва истикболлар. Илмий-оммабоп рисола. проф.Б.Бегаловнинг умумий таҳрири остида. -Тошкент.: ТМИ,2016 йил. Б.18.

4. Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. Oxford University Press, 2000, 248p.

5. Такер Р. Инновации как формула роста / Р. Такер. – М. : Олимп – Бизнес, 2006. – 240 с.

6. Grossi G. Promoting Innovation in a big business. Long range planning. Vol. 23, N1, 1990, 240p.

7. Шумпетер И. Теория экономического развития / И. Шумпетер. – М.: Директ-Медиа, 2007. 400 с.

8. Henry, J. and Walker, D. Managing Innovation, London: Sage Publications, 1991, 367p.

9. Westley, F., Mintzberg, H. Visionary leadership and strategic management, Strategic Management Journal, 1995, P. 32.

10. Абалкин Л.И. Экономическая энциклопедия / Л. И. Абалкин. – М.: Экономика, 1999. – 1055 с.

11. Афонин И.В. Инновационный менеджмент: учеб. пособие / И.В. Афонин.– М. : Гардарики, 2007. – 224 с.; 23.

12. Афонин И.В. Управление развитием предприятия: стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены : учеб. пособие. / И.В. Афонин. - М.: Дашков и , 2002. – 314 с.

13. Базилевич А.И. Инновационный менеджмент предприятия: учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления / А.И. Базилевич; под. Ред. В.Я. Горфинкеля. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 231 с.

14. Балацкий О.Ф. Экономический потенциал административных и производственных систем: Монография/ под общ. ред. О.Ф. Балацкого. - Сумы: Унив. книга, 2006. - 973с.

15. Гамидов Г.С. Основы инноватики и инновационной деятельности / Г. С.Гамидов, В. Г. Колосов, Н. О. Османов. – СПб.: Политехника, 2000. - 323 с.

16. Завлин П. Н. Инновационная деятельность в современных условиях / П. Н. Завлин // Информационное агентство Финмаркет. – 2005. – 24 марта 2008г.

17. Ильенкова С.Д. Инновационный менеджмент: уч. пособ. / С. Д. Ильенкова, Л.М. Гохберг, С.Ю. Ягудин; под. ред. С.Д. Ильенковой. – М.: банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. – 327 с.

18. Кочетков С. В. Управление развитием инновационного потенциала промышленных предприятий / С.В. Кочетков. – Автореферат докторской диссертации по экономике.;
19. Лаптева Е.А. Проблемы оценки инновационного потенциала промышленных предприятий // Управление экономическими системами. - 2014. - № 8.
20. Мазин А. Классификация показателей оценки инновационного потенциала предприятия / А. Мазин // Alma mater. - № 5 (11). – С. 57-60.
21. Медынский В. Г. Инновационный менеджмент / В.Г. Медынский. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 295 с.
22. Трифилова А.А. Оценка эффективности инновационного развития предприятия. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 304 с. 162.
23. Трифилова А.А. Управление инновационным развитием предприятия.- М.: Финансы и статистика, 2003. - 173 с.;
24. Баранчев В.П. Управление инновациями: учебник для бакалавров / В.П.Баранчев, Н.П. Масленникова, В.М. Мишин. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.:Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2012. – 711с. – Серия: Бакалавр;
25. Гунин В.Н. Управление инновациями: 17- модульная программа для менеджеров «Управление развитием организации». Модуль 7 / под ред. В. Н. Гунина, В. П. Баранчев, В. А. Устинова. – М.: ЮНИТИ, 2000. – 328 с.
26. Жиц Г.И. Инновационный потенциал: монография / Г. И. Жиц. – Саратов : СГТУ, 1999. – 132 с.
27. Кокурин Д.И., Шепелев В.М. Инновации в России: институциональный анализ (проблемы собственности, рынка и налогового стимулирования). – М.: ИНИЦ Роспатента, 2002. – 399 с.;
28. Коробейников О.П. Роль инноваций в процессе формирования стратегии предприятия // Менеджмент в России и за рубежом. 2000. - № 3 [Электронный ресурс]. URL: <http://www.mevriz.ru/articles/2000/3/856.html> (дата обращения 21.11.2011).
29. Мосейко В. О. Определение инновационного потенциала предприятия на основе факторного подхода / В.О. Мосейко, С.А. Князев // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – 2008. – №2. – С. 28-34;
30. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. -СПб.: Питер, 2008. 448 с.
31. Шляхто И. В. Оценка инновационного потенциала промышленного предприятия / И. В. Шляхто //Вестник Брянского государственного технического университета. 2006. - №1 (9). - С.109-115.
32. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менеджмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286-б.;
33. Ш.Н.Зайнутдинов. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябр 2011.
34. Нуримбетов Р.И. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/47582--innovatsion-salohiyat--zamonaviy-iqtisodiyotni-rivojlantirish-poydvori>

35. Ш.Мустафакулов худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили //Молия ва банк иши электрон илмий журнали, 3-сон апрель, 2016 5-16 бетлар.

36. Мухитдинов Х.Т. Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишга институционал ёндашув // Иқтисодиёт ва молия, №2 , 2012, 2-6 бетлар.

37. Ғофуров У. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш// Иқтисодиёт ва молия, №2 , 2012, 17-23 бетлар.

38. Умаров И., Саидкаримова С., Облоқулова Ш. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 й.

39. Қаххоров А. Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳияти ва уни баҳолаш// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 й.

40. Рузиев Б.С. Олий таълим тизимида инновацион салоҳиятни ошириш// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 й.

41. <http://www.oecd.org/sti/inno/39374789.pdf>

42. <https://www.nsf.gov/nsb/publications/2012/nsb1203.pdf>

43. <http://www.cass.city.ac.uk/faculty-and-research/centres/centive>

44. <http://www.mckinsey.com/about-us/overview>

45. https://www.nesta.org.uk/sites/default/files/characteristics_behaviours_of_innovative_people.pdf

46. <http://www.mpn.gov.rs/wp-content/uploads/2015/08/Strategija-engleski-jezik.pdf> .

47. Борисов, А.Б. Большой экономический словарь / А.Б. Борисов. – М.: Книжный мир, 2003. – 895 с.

48. Лопатников Л.И. Популярный экономико-математический словарь - М., 1990г. – 64 с.

49. Кураков, Л.П. Экономика и право : словарь-справочник / – М. : Вуз и школа, 2004. – 1071 с.

50. Коломиец Р.М. Проблемы развития научно-производственной интеграции / Р.М. Коломиец // Совершенствование управления научно-технического прогресса в промышленности. – Киев. - 2004. - С. 32-30.

51. Мосейко В. О. Определение инновационного потенциала предприятия на основе факторного подхода / В.О. Мосейко, С.А. Князев // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – 2008. – №2. – С. 28-34

53. Плышевский Б. А. Потенциал инвестирования / Б. А. Плышевский //Экономист, - №3, - 1996г. – С. 18-22.

54. Тодосийчук А. В. Научно-технический потенциал социально-трудовой сферы / А.В. Тодосийчук // Экономист. - №12. - 1997г. – С. 34-37.

55. Цыгичко А. Е. Сохранение и приумножение производственного потенциала страны / А. Е. Цыгичко // Экономист. - №7. - 1992г. – С. 17-19.

56. Лычкин Ю. В. Потенциал строительного комплекса / Ю. В. Лычкин //

Экономист. - №6. - 1997г. – С. 4-8.

57. Романов А. П. Управление экономическим потенциалом организации : учеб.пособ. / А. П. Романов, Г. Г. Серебренников, В. М. Безуглая, О. В. Кириллина, М. К. Чарыкова. – Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2012. – 88 с.

58. Задоя А.А. Народно-хозяйственный потенциал и интенсивное воспроизводство. - Киев, 2006. – 269 с.

59. Сосненко Л. С. Анализ экономического потенциала действующего предприятия / Л.С. Сосненко. – М.: Издательский дом «Экономическая литература», 2004.

60. https://studme.org/1440060713150/investirovanie/innovatsionnyy_protssess

61. Конкуренция. Инновации. Конкурентоспособность: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлениям «Менеджмент», «Экономика» / Т.Г. Философова, В.А. Быков; под ред. Т.Г. Философовой. – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 295 с.